



## THE USE OF OPERATIONAL-SEARCH MEASURES IN CREATING A SAFE ENVIRONMENT IN UZBEKISTAN

*Timur Yusupjanovich Kamilov*

*Independent Researcher*

*Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** safe environment, operational-search measures, public order, crime prevention, national security, operative-preventive work, law enforcement agencies, operational-search activities, social security, criminological forecasting.

**Received:** 20.05.26

**Accepted:** 21.05.26

**Published:** 22.05.26

**Abstract:** This article examines the role, legal foundations and practical mechanisms of operational-search measures in creating and ensuring a safe environment in the Republic of Uzbekistan. The distinctive aspects of operational-search activities in maintaining public order, preventing crime, combating extremism and terrorism, ensuring transport safety and protecting the digital environment are analyzed. The article reveals the multidimensional concept of creating a safe environment and puts forward scientifically grounded proposals for developing operational-search activities as a socio-legal system.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Тимур Юсупжанович Камиллов*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ*

*мустақил изланувчиси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** хавфсиз муҳит, тезкор-қидирув тадбирлари, жамоат тартиби, жиноятчиликнинг олдини олиш, миллий хавфсизлик, тезкор-профилактик иш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тезкор-қидирув фаолияти, ижтимоий хавфсизлик, криминологик прогнозлаш.

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида хавфсиз муҳитни яратиш ва таъминлашда тезкор-қидирув тадбирларининг ўрни, ҳуқуқий асослари ва амалий механизмлари тадқиқ этилган. Жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш,

экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, транспорт хавфсизлигини таъминлаш ва рақамли муҳитни ҳимоя қилишдаги тезкор-қидирув фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Мақолада хавфсиз муҳитни яратишнинг кўп қиррали тушунчаси очиб берилиб, тезкор-қидирув фаолиятини ижтимоий-ҳуқуқий тизим сифатида ривожлантиришга доир илмий асосланган таклифлар илгари сурилган.

---

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ В ОБЕСПЕЧЕНИИ БЕЗОПАСНОЙ СРЕДЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

*Тимур Юсупжанович Камиллов*

*Самостоятельный соискатель*

*Министерство внутренних дел Республики Узбекистан*

*Ташкент, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** безопасная среда, оперативно-розыскные мероприятия, общественный порядок, предупреждение преступности, национальная безопасность, оперативно-профилактическая работа, правоохранительные органы, оперативно-розыскная деятельность, социальная безопасность, криминологическое прогнозирование.

**Аннотация:** В данной статье исследованы роль, правовые основы и практические механизмы оперативно-розыскных мероприятий в создании и обеспечении безопасной среды в Республике Узбекистан. Проанализированы особенности оперативно-розыскной деятельности в сфере охраны общественного порядка, предупреждения преступности, противодействия экстремизму и терроризму, обеспечения транспортной безопасности и защиты цифровой среды. В статье раскрывается многогранное содержание понятия безопасной среды, а также выдвигаются научно обоснованные предложения по развитию оперативно-розыскной деятельности как социально-правовой системы.

---

**Қириш.** Мамлакатимизда Янги Ўзбекистон тараққий стратегияси доирасида амалга ошириляётган комплекс ислохотлар – иқтисодий ривожланиш, рақамли трансформация, инвестициявий жозибадорлик ва халқаро интеграция самарасини таъминлашнинг ажралмас шарти хавфсиз ва барқарор ижтимоий муҳитдир. Хавфсиз муҳит – бу фақат

жиноятчиликнинг камайиши билан ўлчанмайди, балки шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг мукамал тизимидир.

Муҳокама ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини модернизация қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгиланган. Мазкур стратегияни амалга оширишда тезкор-қидирув тадбирлари (кейинги ўринларда - ТҚТ) марказий ўрин тутади.

Тезкор-қидирув фаолияти анъанавий равишда жиноятларни очиш воситаси сифатида кўрилган. Бироқ замонавий ёндашув нуқтаи назаридан ТҚТ фаолиятини хавфсиз муҳитни яратишнинг проактив тизими сифатида қараш - бу иккинчи даражали эмас, балки биринчи даражали вазифадир. Жиноятни очиш реактив характер касб этса, жиноятнинг олдини олиш ва хавфли вазиятларни дастлабки босқичда бартараф этиш профилактик табиатга эга. Мазкур фарқ ТҚТни ташкил этишнинг концептуал асосини белгилайди.

“Хавфсиз муҳит” тушунчаси ҳуқуқий фанда кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода хавфсиз муҳит – шахснинг жисмоний, психологик, иқтисодий ва маданий хавфсизлигини кафолатлайдиган, давлат ва жамиятнинг ҳимоя функциялари самарали амал қиладиган ижтимоий тизим ҳолатидир. Тор маънода эса у муайян ҳудудда жиноятчилик даражасининг статистик кўрсаткичлари билан ўлчанувчи тартиб ҳолатидир.

Криминология фанида хавфсиз муҳитни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: 1) объектив хавфсизлик – аҳолига нисбатан жиноятлар сони, оғир жиноятлар улуши, жиноятнинг очилиш коэффициенти; 2) субъектив хавфсизлик – аҳолининг ўзини хавфсиз ҳис қилиш даражаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишонч индекси; 3) институционал хавфсизлик – ҳуқуқий тизимнинг самарадорлиги, суд мустақиллиги, ҳуқуқий таълим даражаси; 4) рақамли хавфсизлик – кибержиноятлардан ҳимоя, ахборот муҳитида хавф даражаси.

Ўзбекистон Республикасида хавфсиз муҳитни таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг доимий устувор йўналиши бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни ушбу масалани тартибга солишнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Ушбу ҳужжатларда хавфсизликни таъминлашда тезкор-қидирув органларига марказий роль берилган.

Хавфсизлик муҳитини яратишда ТҚТ уч функционал йўналишда намоён бўлади: биринчидан, профилактик функция – хавфли вазиятларни ва шахсларни аниқлаш орқали жиноятни содир бўлишидан олдин тўхтатиш; иккинчидан, тезкор жавоб функцияси – содир бўлаётган жиноятга тезкор муносабат билдириш; учинчидан, тергов-тиклаш функцияси – содир бўлган жиноятни очиш ва такрорий зарарнинг олдини олиш. Ушбу уч функция биргаликда хавфсиз муҳитнинг барқарорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида хавфсиз муҳитни таъминлашга доир тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий базаси кўп даражали норматив тизимдан иборат.

Биринчидан, конституциявий даража. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига кўра, давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. 21-моддага кўра, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин.

Иккинчидан, тезкор-қидирув ҳуқуқи даражаси. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари, субъектлар тизими, назорат механизмлари ва ТҚТ натижаларидан фойдаланиш тартибини белгилайди. Ушбу қонуннинг 14-моддасида ТҚТнинг 16 та тури кўрсатилган, улардан ҳар бири хавфсиз муҳитни таъминлашнинг муайян жиҳатида қўлланилади.

Учинчидан, жамоат тартиби ва хавфсизлик ҳуқуқи даражаси. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги Концепцияси (2021 й.), “Давлат сирлари тўғрисида”ги Қонун ТҚТни ташкил этишнинг соҳавий-ҳуқуқий асосини белгилайди.

Тўртинчидан, ички идоравий ҳужжатлар даражаси. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура ва Адлия вазирлигининг буйруқлари, йўриқномалари ва кўрсатмалари ТҚТни амалиётда ташкил этишнинг методологик асосини белгилайди.

Бешинчидан, халқаро ҳуқуқий стандартлар даражаси. БМТнинг жиноятчиликни олдини олиш ва олий судлов бўйича тавсиялари, ЕХХТнинг полиция фаолиятига оид қўлланмалари, МДХ доирасидаги ҳамкорлик шартномалари ва ШХТ Хартияси ТҚТни ташкил этишда қўшимча стандарт ва меъёрларни белгилайди.

Оммавий тадбирлар, сайловлар, диний маросимлар ва бошқа кўп одам тўпланадиган вазиятларда жамоат тартибини сақлашда ТҚТ профилактик роль ўйнайди. Провокаторлар

ёки тартибсизлик келтириб чиқариши мумкин бўлган шахсларни олдиндан аниқлаш, тарғибот ва манипуляция манбаларини кузатиш, қатнашчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва руҳлантирувчи омилларни таҳлил қилиш – ТҚТнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш – ТҚТ фаолиятининг стратегик йўналишидир. Профилактика мақсадида амалга ошириладиган ТҚТ орасида: шубҳали шахслар ва уларнинг алоқалари доирасини аниқлаш, жиноий уюшмаларга кириб, уларни кузатиш, жиноятчи гуруҳларни таркибий жиҳатдан таҳлил қилиш, жиноятчиликка рағбатлантирувчи ижтимоий омилларни ўрганиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Уюшган жиноятчилик гуруҳлари хавфсиз муҳитга энг жиддий таҳдид манбаидир. Ушбу гуруҳларнинг иерархик тузилиши, молиявий занжирлари, яширин ва коррупцион алоқаларини аниқлаш узоқ муддатли ва мураккаб ТҚТ жараёнини тақозо этади. Уюшган гуруҳнинг етакчиларини ТҚТ ёрдамида ошкор бўлмасдан, унинг фаолиятини тўла ёритиш – замонавий ТҚТ амалиётининг методологик муваффақиятидир.

Терроризм ва экстремизмга қарши курашда ТҚТ оддий жиноятчиликни очишдан принципиал фарқ қилади: у заруратан превентив хусусиятга эга - яъни хуруждан олдин амалга оширилиши шарт. Террористлар режасини тайёрланишининг дастлабки белгиларини аниқлаш – Ўзбекистон ТҚТ органлари амалиётига тадбиқ этилган. ДХХ, ИИБ ва Бош прокуратура ўртасидаги координация тизими мана шу боғлиқликни таъминловчи асосий механизм ҳисобланади.

Иқтисодий жиноятлар – коррупция, пул ювиш, бюджет маблағларини ўзлаштириш, контрабанда – хавфсиз ижтимоий-иқтисодий муҳитга жиддий зарар келтиради. Бундай жиноятларни аниқлашда молиявий разведка, ходимларнинг ноҳалол ҳатти-ҳаракатларини кузатиш, давлат харидлари тендерларида коррупция схемаларини аниқлаш каби ТҚТ усуллари кенг қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва ДХХ тегишли тузилмалари ушбу соҳада мунтазам ТҚТ амалга оширади.

Аэропортлар, темир йўл вокзаллари, автомобиль йўллари ва чегара ўтказиш пунктларида ТҚТ ўтказиш хавфсиз муҳитнинг стратегик инфратузилмасини ташкил этади. Юокларни текшириш, йўловчиларни скрининг қилиш, чегараолди ҳудудлардаги шубҳали ҳаракатларни кузатиш ва контрабанда оқимларини аниқлаш транспорт тармоғида хавфсизликни таъминлашнинг асосий ТҚТ воситаларидир.

Рақамли трансформация жараёнида кибержиноятчилик, дезинформация тарқатиш, давлат ахборот тизимларига хуружлар ва шахсий маълумотларни ноқонуний йиғиш янги хавф манбалари сифатида юзага чиқди. Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда тузилган

Киберхавфсизлик маркази ТҚТ органлари билан ҳамкорликда рақамли хавфсизликни мониторинг қилади ва жавоб тадбирларини координация қилади.

Ўзбекистон Республикасида хавфсиз муҳитни таъминлашда ТҚТни амалга оширувчи субъектлар тизими институционал жиҳатдан ривожланган тузилмани ташкил этади.

Ички ишлар вазирлиги тезкор-қидирув субъектлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Жиноят қидирув, жиноятчиликни ўрганиш ва маълумотлар таҳлили йўналишлари хавфсиз муҳитни таъминлашнинг асосини ташкил этади. Туман ва шаҳар ички ишлар бошқармаларидаги тезкор-қидирув гуруҳлари ТҚТни жойларда ташкил этишнинг асосий бўғини ҳисобланади.

Бош прокуратура ТҚТ фаолияти устидан қонунийликни назорат қилади ва айрим ТҚТ турлари – хусусан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклайдиган тадбирларга санкцияни беради. Прокурор санкциясиз ўтказилган ТҚТ натижалари жиноят ишида далил сифатида тан олинмайди – бу норма ТҚТ қонунийлиги кафолатининг асосий механизми ҳисобланади.

Маҳалла институти, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва ОАВ ТҚТ субъектларининг расмий ваколатларига эга бўлмаса-да, хавфсиз муҳитни яратишда ТҚТ органларига ёрдамчи функцияни бажаради. “Маҳалла тизими” орқали шубҳали шахслар ва ҳодисалар ҳақидаги ахборотнинг ТҚТни амалга оширувчи органларга тезкор тарзда етказилиши Ўзбекистонда хавфсиз муҳитни таъминлашнинг миллий ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Мутаносибликнинг таъминланиши учун ТҚТ субъекти ва назорат органлари “восита – мақсад” нисбатини доимий баҳолаб бориши зарур: ТҚТнинг жамиятга ёки аниқ шахсга келтирадиган эҳтимолий зарари олиб бориладиган тадбирлар натижасида йўл қўйилмайди. Суд назорати ТҚТнинг мутаносиблигини текширишнинг асосий расмий механизми ҳисобланади.

Қонунийлик принципи ТҚТни фақат қонунда белгиланган асослар ва тартибда ўтказишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида ТҚТнинг қонунийлиги устидан назоратни уч механизм таъминлайди: парламент назорати (Олий Мажлис), прокуратура назорати ва маъмурий-суд назорати. Мазкур уч даражали назорат тизимини ривожлантириш Ўзбекистоннинг ислохот дастурида устувор ўрин тутди.

Шахсга дахлсизлик ва хусусий ҳаёт ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида ТҚТ доирасида тўпланган шахсий маълумотлар жиноят иши очилмаган тақдирда ёки ТҚТ бекор қилинганда ўчирилиши лозим. Бироқ, амалиётда “ортиқча” маълумотларни сақлаш

муаммоси мавжуд бўлиб, бу масалани тартибга солишнинг аниқ норматив асоси ишлаб чиқилмаган.

Хавфсиз муҳитни яратишда ТҚТдан самарали фойдаланиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим методологик манба бўлиб хизмат қила олади.

“Интеграллашган хавфсизлик ёндашуви” (Integral Safety Approach) доирасида Нидерландияда полиция, прокуратура, маҳаллий ҳокимиятлар, ижтимоий ёрдам хизматлари ва таълим муассасалари хавфсизликни таъминлашда ягона стратегия асосида ҳаракат қилади. ТҚТ бу тизимда муайян мақсадли вазифалар доирасида амалга оширилади ва профилактик ижтимоий хизматлар билан ёнма-ён ишлайди. Мазкур ёндашув натижасида Нидерландия охириги 20 йилда жиноятчилик даражасини 50 фоизга камайтиришга эришди.

«Total Defence» концепцияси доирасида Сингапурда хавфсиз муҳитни таъминловчи давлат органлари, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти ўртасидаги шерикликка асосланади. ТҚТ органлари алоҳида жиноятларни очишдан кўра, хавф харитасини (risk mapping) тузиш ва хавфли ҳолатларни тизимли равишда олдини олишга эътибор қаратади. ТҚТ маълумотлари реал вақт режимида шаҳар бошқаруви тизимига интеграция қилинган.

«Community Policing» – маҳалла полицияси тизими Жанубий Кореяда ТҚТни жамиятга яқинлаштиришнинг самарали моделини кўрсатди. Маҳалла полицияси ходимлари аниқ ҳудудда яшайди, маҳаллий аҳоли билан мунтазам мулоқот олиб боради ва шу орқали маҳаллий хавф сигналларини эрта аниқлайди. Бу модел ТҚТ ва жамоат ҳамкорлигини биргаликда қўллашнинг намунаси тажрибасидир.

Германиянинг “Хавф таҳлили” (Lagebilder) тизими орқали ТҚТни амалга оширувчи органлари криминологик прогнозлашга асосланган “predictive policing” дастуридан фойдаланади. Алгоритмик таҳлил воситалари орқали жиноят эҳтимоли юқори ҳудудлар ва вақт оралиқлари аниқланиб, ТҚТ ресурслари шу асосда тақсимланади.

Ушбу хорижий тажрибалар ва тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси учун қуйидаги таклиф ва тавсиялар берилади:

биринчидан, хавфсиз муҳитни яратишда ТҚТнинг стратегик концепциясини ишлаб чиқиш. ТҚТ тизими жиноятни очишдан хавфни бошқариш (risk management) концепциясига ўтиш мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, предиктив таҳлил методологиясини (predictive analytics) ТҚТ амалиётига жорий этиш мақсадида ИИВ ва ДХХ тасарруфида алоҳида криминалистик-аналитик марказлари ташкил этиш лозим;

учинчидан, “Маҳалла – хавфсизлик” интеграциялашган тизимини яратиш. Маҳалла институти ТҚТни амалга оширувчи органларга дастлабки хавф сигналларини расмий тарзда етказишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамш;

тўртинчидан, ТҚТ натижалари асосида криминологик прогнозлаш тизими (crime forecasting system) ишлаб чиқиш, хавфсизлик ресурсларини шунга асосан тақсимлаш.

Ўзбекистонда хавфсиз муҳитни яратиш ва уни барқарор сақлаш – бу бир марталик тадбир эмас, балки давлат сиёсатининг доимий стратегик вазифасидир. Тезкор-қидирув тадбирлари мазкур вазифани амалга оширишнинг ажралмас ва зарурий тармоғи бўлиб, уларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан институционал тузилиш, ҳуқуқий асос ва мутахассис кадрлар тайёргарлигига боғлиқ.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, замонавий Ўзбекистонда ТҚТ тизими хавфсиз муҳитни таъминлашнинг реактив эмас, проактив инструментига айлантирилиши лозим. Бунинг учун ТҚТ фаолиятини жиноятни очишдан жиноятнинг олдини олишга, ижтимоий хавфни бошқариш тизимига интеграция қилишга, рақамли технологиялар ва аналитик усулларни жорий этишга концептуал ўтиш зарур.

Хавфсиз муҳитнинг барқарорлиги ТҚТ органларининг куч ва имкониятларидан ташқари, жамиятнинг ҳуқуқий онги, ишончи ва фаол иштирокига ҳам боғлиқ. Ўзбекистоннинг маҳалла институти, фуқаролик жамияти тузилмалари ва таълим тизими билан ТҚТ органларининг самарали ҳамкорлиги хавфсиз муҳитни яратишнинг миллий ўзига хос ва амалиётда синовдан ўтган моделини ташкил этади.

Хулоса тариқасида таъкидлаш лозимки, ТҚТ фаолияти самарали бўлиши учун у адолат принципига, инсон ҳуқуқлари ҳимояси стандартларига ва ошкоролик меъёрларига мувофиқ ташкил этилмоғи зарур. Хавфсиз муҳитни таъминлаш – бу фақат жиноятларни камайтириш эмас, балки аҳолининг ҳуқуқлари ҳимояланади ва адолат таъминланади деган ишончни шакллантириш демакдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2023. — 78 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. — Тошкент: Адолат, 2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 25.12.2012 й., № ЎРҚ-344.
4. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси. 2021.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни. 15.04.2022 й., № ЎРҚ-764.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 28.01.2022 й., ПФ-60.
7. Дубоносов Е.С. Основы оперативно-розыскной деятельности: учебное пособие. — Москва: Юрайт, 2020. — 350 б.
8. Зникин В.К. Оперативно-розыскное обеспечение безопасности общества. — Кемерово: КемГУ, 2018. — 246 б.
9. Овчинский В.С. Оперативно-розыскная деятельность и противодействие преступности. — Москва: ИНФРА-М, 2019. — 304 б.
10. Bayley D. Police for the Future. — New York: Oxford University Press, 1994. — 178 p.
11. Braithwaite J. Crime, Shame and Reintegration. — Cambridge: Cambridge University Press, 1989. — 226 p.
12. Clarke R.V. Situational Crime Prevention: Successful Case Studies. 2nd ed. — Albany: Harrow and Heston, 1997. — 356 p.
13. Europol. Serious and Organised Crime Threat Assessment (SOCTA) 2021. — The Hague: Europol, 2021. — 88 p.
14. Sherman L.W. et al. Preventing Crime: What Works, What Doesn't, What's Promising. — Washington: NIJ, 1997. — 590 p.
15. UNODC. Global Study on Homicide 2023. — Vienna: United Nations, 2023. — 120 p.
16. Van Dijk J. The World of Crime. — Los Angeles: Sage, 2008. — 342 p.